

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЧИЛОВ ҒОЛИБЖОН ЭРНАЗАР ЎҒЛИ

**ШИМОЛИЙ ТОМДИТОВ ЭОЦЕН ГИЛЛАРИНИНГ КЎПЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Очилов Голибжон Эрназар ўғли

Шимолий Томдитов эоцен гилларининг кўпчиш хусусиятлари ва
уларнинг деформацияларини моделлаштириш.....3

Очилов Голибжон Эрназар угли

Набухающие свойства эоценовых глин Северного Тамдытау и
моделирование их деформаций21

Ochilov Golibjon Ernazar ugli

Swelling properties of Eocene clays of the Northern Tamdytau and
modeling of their deformations.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЧИЛОВ ҒОЛИБЖОН ЭРНАЗАР ЎҒЛИ

**ШИМОЛИЙ ТОМДИТОВ ЭОЦЕН ГИЛЛАРИНИНГ КЎПЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/GM164 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.hydroengeo.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Закиров Мираббас Мирсаатович геология-минералогия фанлари доктори (DSc), профессор
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Ботиржон Дадажонович геология-минералогия фанлари доктори, катта илмий ходим Бимурзаев Гани Амиргалиевич геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	«Ўзбекгидрогеология» ДМ

Диссертация ҳимояси Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «15» феврал соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 209-10-84, факс: (+99871) 209-10-84, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru).

Диссертация билан Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти кутубхонасида танишиш мумкин (57 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 209-10-84, факс: (+99871) 209-10-84, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru.

Диссертация автореферати 2024 йил «29» январ куни тарқатилди.
(2024 йил «29» январдаги 6- рақамли реестр баённомаси).

А.А. Мавлонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
геология-минералогия фанлари доктори,
катта илмий ходим

М.Р. Жураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
геология-минералогия фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD),
катта илмий ходим

И.Х. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида ҳар хил турдаги бинолар ва муҳандислик иншоотлари учун асос бўлиб хизмат қиладиган кўпчувчан гилларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири уларнинг деформацион хусусиятлари ҳисобланади. Анъанавий синов усуллари кўп вақт ва кўп меҳнат талаб қилади, шунинг учун кўпчувчан гилларнинг ҳам таркиби, ҳам деформацион хусусиятларини ишончли ва тезкор аниқлаш тадқиқотларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунда билвосита усуллар – деформацияларни моделлаштиришдан фойдаланиш имконияти истиқболли ҳисобланади. Уларнинг афзаллиги тажриба-синовнинг соддалиги ва кам вақт сарфланишидадир. Шу муносабат билан муҳандислик-геологик ва геофизик усуллар ёрдамида кўпчувчан гилларнинг таркиби ва деформацион хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг натижаларини биргаликда таҳлил қилиш фан ва амалиётнинг долзарб йўналиши ҳисобланади.

Жаҳонда кўпчувчан гиллар устида бино ва иншоотлар пойдеворини лойиҳалашнинг ўзига хослигини муҳандислик-геологик асослаш билан боғлиқ бўлган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада саноат ҳамда фуқаролик бино ва иншоотларининг турғунлигини таъминлаш муаммосини ҳар томонлама баҳолаш, кўпчувчан грунтларнинг муҳандислик-геологик масалаларини ечиш ва деформацияларини моделлаштириш методологиясини яратиш, об-ҳаво ва иқлим омилларига юқори сезгирлиги билан тавсифланадиган кўпчувчан гиллар устида жойлашган пойдеворлар учун янги талабларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кўпчишни адсорбцион, капилляр ва осмотик ҳодисалар таъсирида кечадиган мураккаб физик-кимёвий жараён сифатида ўрганиш бўйича илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда ва маълум илмий натижаларга эришилди. Ўзбекистон бентонитли гилларининг литологик ва сейсмогеологик хусусиятлари бўйича тадқиқот натижалари олинди. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси¹да миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада энергия самарадорлигини ошириш ва саноат тармоқларида ресурслардан фойдаланиш, бино ва иншоотларни лойиҳалаш учун кўпчувчан бентонитли гиллар хусусиятлари ўзгаришининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, худудларнинг муҳандислик-геологик районлаштириш харитасини тузиш ҳамда фуқаролик бино ва иншоотларининг турғунлигини таъминлаш бўйича илмий-тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ёр қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал хомашё базасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар кўпчувчан бентонитли гилларнинг структуравий-механик хусусиятларини, бу хусусиятлар ўзгаришининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш бўйича кўплаб назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилган. Кўпчувчан грунтлар муаммоси Г.А.Мавлянов, М.З.Закиров, А.М.Худойбергенов, Б.И.Далматов, А.А.Мустафаев, Е.М.Сергеев, В.И.Осипов, Е.А.Сорочан, Н.А.Цытович, Р.И.Злочевский, О.В.Куцнашвили, Н.И.Кригер, М.М.Закиров, F.Chen, W.G.Holtz, R.L.Lytton, H.B.Seed ва бошқалар томонидан етарлича батафсил ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда иншоотлардан фойдаланиш ва гилли массивнинг кўпчиш-чўкиш жараёни натижасида юзага келадиган деформация жараёнлари таъсирида грунт деформацияси муаммолари кўриб чиқилган бўлса-да, бинолар ва иншоотларнинг асосларига боғлаган ҳолда кўпчувчан гилларнинг айрим жиҳатларини ўрганиш масаласи чуқурроқ муфассал тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. 1975-1983 йилларда янги Томдибулоқ ва унга қўшни Ажрикти посёлкалари қурилиш лойиҳасини муҳандислик-геологик асослаш ва Марказий Қизилқум шаҳарларини сейсмик микрорайонлаштириш мақсадида кўпчувчан бентонитли гиллар тарқалган ҳудудларнинг муҳандислик-геологик ва сейсмик шароитларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди (Г.А.Мавлянов, М.З.Закиров, С.М.Касымов, А.М.Худойбергенов, Р.Н.Гиллябаев, В.А.Исмаилов, М.М.Закиров). Умуман олганда, турли муаллифлар, илмий қизиқишлари доирасига қараб, кўпчувчан гилларнинг деформациясини аниқлашга турлича ёндашадилар. Муҳандислик геологиясида заррачалар (грунтнинг қаттиқ структуравий элементлари) нинг силжиши билан уларнинг нисбий ҳолатининг ўзгаришига деформация дейилади. Умумий ҳолатда, бу силжиш турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин –иссиқлик ҳисобига кенгайиш ва торайиш, фазали ўтишлар, механик зўриқишларнинг таъсири ва бошқалар. Механик деформациялар механик зўриқишлар таъсири остида содир бўлади.

Эришилган илмий натижаларга қарамасдан, кўпчувчан бентонитли гилларни ўрганишда кўшимча илмий тажрибаларни талаб қиладиган бир қатор ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Жумладан, аввалги йиллардаги геологик, муҳандислик-геологик, гидрогеологик ва геофизик тадқиқотларнинг далилий материалларини чуқур таҳлил қилиш, бино ва иншоотларнинг асоси сифатида кўпчувчан бентонитли гиллар деформацияси ўзгаришининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида янги тасаввурларни олиш учун уларни моделлаштириш бўйича қўшимча илмий изланишларни давом эттириш талаб этилади. Бу

борада кўпчувчан бентонитли гиллар тарқалган ҳудудлар, хусусан Шимолий Томдитов эоцен гилларининг кўпчиш хусусиятларини муфассал тадқиқ этиш орқали уларнинг деформацияларини моделлаштириш мазкур масалаларни ечишга имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ва Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Кўпчувчан грунтларнинг муҳандислик-геологик хоссаларини ва уларнинг тарқалишини ўрганиш” (2019-2020 йй.) ва “Кўпчувчан бентонитли гилларнинг муҳандислик-геологик хусусиятларини ўрганиш” (2021-2023 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шимолий Томдитов эоцен гилларининг кўпчиш хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг деформацияларини моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иншоотларнинг асоси бўлмиш кўпчувчан бентонитли гилларнинг моддий таркиби, деформацион ва муҳандислик-геологик хусусиятларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

эоцен гилларининг муҳандислик-геологик методлар билан олинган таркиб ва деформацион хусусиятларининг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

Томдитов ҳудуди шимолий қисмининг муҳандислик-геологик районлаштириш харитасини ишлаб чиқиш;

кўпчувчан гиллардан таркиб топган, иншоот пойдеворлари грунтли асосларининг силжишлари ва деформацияларини моделлаштириш ҳамда ҳисоблаш, тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шимолий Томдитов ҳудуди геологик кесимининг юқори қисмини ташкил этувчи эоцен бентонитли гиллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бино ва иншоотларнинг асоси бўлиб хизмат қилувчи кўпчувчан бентонитли гиллар моддий таркибининг ва деформацион хоссаларининг ўзгариш хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажаришда муҳандислик-геологик съёмка, қидирув-разведка усуллари, экспериментал лаборатория таҳлиллари, шу жумладан намуналар, кернлар ҳамда монолитларни дала шароитида ва лабораторияда текширув усуллари, шунингдек, муҳандислик-геологик маълумотлар натижаларини статистик қайта ишлаш усуллари ҳамда бино ва иншоотлар асослари деформацияларини моделлаштиришнинг замонавий усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер юзасида ҳамда бино ва иншоотларда дарзлик ҳосил бўлиш жараёнининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар мажмуаси аниқланган;

табiiй ва ўзгартирилган бентонитли гил намуналарининг таркиби ва деформацион хоссалари корреляцион боғлиқликларига асосланган муҳандислик-геологик параметрларни соддалаштирилган баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

қайта такрорланувчи гипергеник жараёнларнинг кўпчувчан бентонитли гиллар моддий таркибига ва деформацион хусусиятларига таъсири аниқланган, кесимда муҳандислик-геологик хусусиятлари турлича бўлган учта (кучли, ўртача ва кам ўзгарган) зона мавжудлиги исботланган;

интенсив иссиқлик–массаалмасув ва деформацион жараёнларнинг фаоллашуви билан кечадиган табiiй-иқлим шароитларининг таъсирига қараб, Шимолий Томдитов кўпчувчан эоцен гилларидан ташкил топган асосларнинг силжиши ва деформациялари модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўпчувчан бентонитли гилларнинг моддий таркиби ва деформацион хусусиятларининг турли омилларга боғлиқ ўзгариш хусусиятлари аниқланган ва уларнинг деформацион параметрларини соддалаштирилган баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

қурилиш бино ва иншоотлари лойиҳаларини тузишда олиб бориладиган муҳандислик-геологик тадқиқотларнинг оптимал усуллари ҳамда геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари асосланган;

бентонитли гилларнинг аниқланган корреляцион боғлиқликлари асосида уларнинг таркиби ва деформацион хусусиятларининг вақт мобайнида ўзгаришини башоратлаш имкониятлари аниқланган;

қурилиш бино ва иншоотларини лойиҳалашда асос бўлиб хизмат қиладиган Шимолий Томдитов худудининг муҳандислик-геологик районлаштириш харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги кўпчувчан бентонитли гилларнинг моддий таркиби, муҳандислик-геологик хусусиятлари ва деформация жараёнларини ўрганишда катта ҳажмдаги экспериментал тадқиқотлар бажарилганлиги, бентонитли гилларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлашда 350 дан ортиқ табiiй ва майдалаб ўзгартирилган намуналардан фойдаланилганлиги билан асосланади, шунингдек маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишда математик статистика усуллариининг қўлланилиши, ҳисоблашлар компьютер воситалари ёрдамида амалга оширилганлиги олинган натижаларнинг ишончлилигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўпчувчан бентонитли гиллар моддий таркиби ва деформацион хусусиятлари ўзгаришининг аниқланган таъсир этувчи омиллар мажмуаси ва корреляцион боғлиқликлари ҳамда уларнинг муҳандислик-геологик параметрларининг вақт бўйича ўзгаришини башорат қилиш имкониятлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурилиш бинolari ва иншоотларини лойиҳалаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган муҳандислик-геологик районлаштириш харитасининг, кўпчувчан бентонитли гиллар

деформацион параметрларини соддалаштирилган баҳолаш усулининг ишлаб чиқилганлиги, бентонитли гилларнинг таркиби ва деформацион хусусиятларининг вақт мобайнида ўзгаришини башоратлаш имкониятлари асослаб берилганлиги билан тавсифланади, бу маълумотлар ҳудуднинг сейсмик микрорайонлаштириш масалаларини ечишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимолий Томдитов эоцен гилларининг кўпчиш хусусиятлари ва уларнинг деформацияларини моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дарзлик ҳосил бўлиш жараёнининг ривожланишига таъсир этувчи аниқланган комплекс омиллар “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти – О‘ZGASHKLITI” Қорақалпоқ филиали ишлаб чиқаришига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 декабрдаги 04-07/01-2758-сонли маълумотномаси). Натижада ҳам ер юзасида, ҳам бино ва иншоотларда деформацияларни ўрганиш бўйича муҳандислик-геологик изланишларнинг асосий йўналишларини аниқлаш имкони яратилган;

олинган натижаларни комплекс ва муфассал таҳлил қилиш натижасида олинган корреляцион ўзаро боғлиқликлар “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти – О‘ZGASHKLITI” Қорақалпоқ филиали ишлаб чиқаришига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 декабрдаги 04-07/01-2758-сонли маълумотномаси). Натижалар кўпчувчан бентонитли гилларнинг деформацион кўрсаткичларини содда баҳолаш имконини берган;

ҳозирги замон гипергенез жараёни таъсирида кўпчувчан гилларнинг моддий таркиби, муҳандислик-геологик ва сейсмик хусусиятларининг ўзгариш турлари бўйича геологик кесим юқори қисмини ажратишнинг принципиал схемаси “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти – О‘ZGASHKLITI” Қорақалпоқ филиали амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 декабрдаги 04-07/01-2758-сонли маълумотномаси). Натижалар кучли ўзгарган, ўртача ўзгарган ва кам ўзгарган зоналарни ажратиш имконини берган;

Шимолий Томдитов тоғ олди текислигида кўпчувчан бентонитли гилларнинг тарқалиш ҳудудларини муҳандислик-геологик районлаштириш схематик картаси “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти – О‘ZGASHKLITI” Қорақалпоқ филиали ишлаб чиқаришига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2022 йил 16 декабрдаги 04-07/01-2758-сонли маълумотномаси). Натижада сейсмик микрорайонлаштириш учун муҳандислик-геологик асосни такомиллаштириш, инструментал-геофизик тадқиқотлар нуқталарини танлашнинг аниқлигини таъминлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Диссертациянинг асосий илмий натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гилларнинг кўпчиш табиати ҳақидаги замонавий қарашлар**» деб номланган, тўрт бўлимдан иборат биринчи бобида ҳароратнинг кунлик ва йиллик кескин ўзгаришлари, юқори буғланувчанлик, ер усти сувларининг йўқлиги кўпчувчан (бентонитли) гиллар яқин жойлашган ер юзаларида полигонал дарзликларнинг шаклланиши учун қулай шароит яратиши ҳақида сўз юритилган. Полигонал дарзликларнинг пайдо бўлиши билан гиллар ўзининг табиий бирламчи намлигини йўқотиб, узоқ геологик давр мобайнида қаттиқ – «тошга ўхшаш» жинсга айланган. Шаҳарлар, шаҳар типигаги посёлкалар, чорвачилик ва бошқа иншоотлар қурилишининг ривожланиши билан ҳудуд кўшимча ичимлик ва техник сувлар билан таъминлана бошланди, боғлар ва хиёбонлар барпо этилиб, суғориш ишлари кўпайди. Ушбу сувлар полигонал дарзликлар ва тоғ жинсларининг контактлари орқали кўпчувчан гилларнинг ётиш сатҳига етиб борганда, уларда кўпчиш жараёни бошланади.

Ушбу ҳудуднинг геологик тузилиши ва стратиграфияси М.Т.Буряк, М.А.Ахмеджанов, О.М.Борисов, К.К.Пятков ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ушбу тадқиқотчилар кембрийдан тўртламчи давргача бўлган барча ётқизикларни батафсил ажратдилар ва тавсифладилар. Ушбу чўкинди жинсларнинг тўпланиши ҳам континентал, ҳам денгиз шароитида бир неча бор такрорланган тектогенез жараёнлари таъсирида содир бўлган ҳамда кучли дислокацияланганлик, метаморфизация ва магматик тоғ жинсларининг ёриб кириши сабаб бузилганлик уларга хос. Ўрганилаётган эоцен даври

ётқизиклари бахчисарой, симферополь, бодрак ва альмин яруслари билан ифодаланади, уларнинг чуқурлиги 0 дан 100 м гача ва ундан кўп. Тадқиқот ҳудудида юқори эоцен ётқизиклари (ажралмаган бодрак ва альмин яруслари) кенг тарқалган ва ўрта эоцен ҳосилалари устида мувофиқ ҳолда ётади. Томдитовнинг шимоли-шарқида, Чорикти қудуғи ҳудудининг баъзи жойларида ер юзасига чиқади. Қирқим юқори қисмида кулранг карбонатли алевролитларнинг кичик қалинликдаги (10 дан 15 см гача) қатламлари бўлган яшил гилларнинг монотон қалинлиги (80 дан 250 м гача) билан ифодаланади. Гил майда дисперс, ёпишқоқ, ноаниқ қатламли. Уларнинг ётиш чуқурлиги Томдитов тоғларидан Жомонқум кум массиви томон ортиб боради. Гилларнинг барча қалинлиги бўйича кўшимчалар шаклида пирит, марказит кристаллари учрайди. Палеоген гилларининг ҳозирги ётиш ҳолати, лимонитланиш ҳамда гипсланганлик зоналарининг шаклланиши неоген – тўртламчи ва энг янги тектониканинг маҳсулидир, бу ҳаракатлар эоцен ва олигоцен чегарасида ўзини намоён қила бошлади ва неоген–тўртламчи даврда кучайди. Дарзликлар ҳосил бўлиш жараёни бино ва иншоотлар деформацияси кўринишида намоён бўлади. Уларнинг кенглиги пойдеворда 0,5-1,0 см, баъзан 10 см гача, деворларда 5-7 см ни ташкил қилади. Кўп дарзликлар пойдевордан то томга қадар икки томони очиқ кўринишга эга. Зарафшон шаҳри ва Томдибулоқ туман маркази ҳудудидаги локал намланиш (қувурлардан сувнинг сизиб чиқиши, экинзорларни суғориш, иссиқлик узатиш манбаларидаги авариялар) таъсирида кўпчувчан гиллар ҳажмининг ўзгариши Г.А.Мавлянов (1968), М.З.Закиров (1966–1986), С.М.Касымов (1978–1988), Р.А.Тиллябаев (1978–1988), М.М.Закиров (1988–2022) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ушбу жараёнларнинг асосий сабаблари – қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда кўпчувчан гилларнинг ўзига хослиги етарлича баҳоланмаганлиги, техноген омиллар таъсирида грунтларда бўладиган ўзгаришларнинг асосли прогнози мавжуд эмаслигидир. Тадқиқ қилинаётган районда тектоник ҳаракатларнинг жадал намоён бўлиши иқлимий омиллар билан бирга нураш, шўрланиш ва бошқа жараён ва ҳодисаларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратади.

Шундай қилиб, Шимолий Томдитовнинг муҳандислик-геологик шароитини белгиловчи асосий омилларга қуйидагилар киради: арид иқлим; ёғинлар миқдорининг озлиги; геологик тузилиши; чўкинди формациялар генезиси ва таркиби; янги тектоник ҳаракатлар; рельефнинг геоморфологик тузилиши; гидрогеологик ва сейсмик шароитлар, шунингдек ҳозирги геологик ва муҳандислик-геологик жараёнлар ва ҳодисалар. Уларнинг барчаси палеоген гиллар ва уларнинг иккиламчи ўзгаришларининг муҳандислик-геологик хусусиятларини белгилайди. Ушбу омиллар шаҳарлар ва шаҳар типидagi посёлкаларни лойиҳалаштирувчи лойиҳа ташкилотлари томонидан ҳисобга олиниши шарт деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «**Кўпчувчан гилларнинг параметрларини аниқлаш методикаси**» деб номланган иккинчи боби иккита бўлимдан иборат. Қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, меъёрий ҳужжатларда ва Е.М.Сергеев, Г.А.Мавлянов, В.И.Осипов, С.М.Касымов, М.З.Закиров ҳамда бошқа

олимларнинг фундаментал асарларида тавсия этилган анъанавий ва махсус тадқиқот усуллари қўлланилди. Деформацион хусусиятларни лаборатория шароитларида баҳолаш учун «НПП Геотек» МЧЖ компанияси томонидан ишлаб чиқарилган АСИС асбобларида компрессион синовлар ўтказилган. Синовлар беш босқичли 0,05; 0,1; 0,2; 0,3; 0,5 МПа босим остида, ҳар бир босим пағонасида шартли деформациялар 12 соат мобайнида 0,01 мм гача барқарорлашгунга қадар ўтказилган. Бунда компрессион синовлар олдидан ва ундан кейин зичлик ва намлик кўрсаткичларининг қийматлари, кўндаланг деформациянинг зичланиш коэффиценти қиймати (β) аниқланган. Деформацион хусусиятларни аниқлаш учун компрессион синовлар маълумотларини қайта ишлаш анъанавий усулда олиб борилган. Компрессион синовлар натижалари бўйича деформация модуллари стандарт методика бўйича 0,1–0,3 МПа ва 0,3–0,5 МПа юклама босқичларида ҳисобланган. Деформация модулларини ҳисоблаш табиий босим $P_{пр}$ дан то пропорционаллик чегарасидаги босим $P_{шт}$ гача юкламали участкада штамп синовлар аналогияси бўйича олиб борилган. Ушбу натижалар асосида тадқиқот участкасининг далилий материаллар схематик харитаси, геологик-литологик харитаси, муҳандислик-геологик районлаштириш харитаси тузилди, улар дала тадқиқотлари ва материалларни камерал қайта ишлаш жараёнида аниқлаштириб борилди.


Диссертациянинг «**Кўпчувчан бентонитли гиллар деформацияси таъсирида бино ва иншоотларнинг шикастланиши**» деб номланган учинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, унда асосдаги кўпчувчан гиллар таъсирида бино ва иншоотларга етказилган зарар турлари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Улар муҳандислик иншоотлари учун хавф туғдиради, бу хавф эса қуйидаги омилларга боғлиқ: деформацияларнинг бир хил эмаслиги (кўпчишда букилиш, киришишда ер юзасининг ўтириши, иншоотлар асосини ташкил этувчи грунт қатламларининг нотекис зичланувчанлиги ва ҳоказолар); замон ва маконда кўпчишлар намоён бўлишининг асосан стохастик характерлилиги; кўпчиш ёки киришиш деформациялари параметрларининг ҳам табиий таъсирларга, ҳам техноген таъсирларга боғлиқлиги. Бинолар шикастланишининг яққол аломатлари қисилган эшиклар ва деразалар, нотекис поллар, пойдеворлар, қопламалар, деворлар ва шифтлардаги ёриқлар шаклида намоён бўлади. Бундан ташқари, ёриқларнинг турли хил моделлари пойдевор ва деворларнинг турли материаллари учун ҳар хил сабабларни акс эттиради. Масалан, грунтларнинг кўпчиши ва киришиши билан юзага келадиган дарзликлар бурчакдан қўшни очиқ дарзлик томон боради ва кенглиги бўйича бир текис ёки V-симон шаклда бўлади; гумбазсимон кўпчишда дарзликлар иншоот марказидаги кўпчиш таъсирида юзага келади; ликопчасимон кўпчиш ҳолатида эса дарзликлар иншоот четларидаги кўпчиш таъсирида ҳосил бўлади. Гумбазсимон кўпчиш намликнинг периметрдан уйнинг марказига қараб ҳаракатланишидан юзага келади, ликопчасимон кўпчиш эса – намликнинг марказдан периметрга қараб ҳаракатланиши натижасида содир бўлади. Гумбазсимон кўпчиш ҳолатида ёриқлар юқори қисмда пастки қисмга қараганда кенгроқ бўлади, ликопчасимон кўпчиш ҳолатида эса – ёриқлар

пастки қисмда юқори қисмга қараганда кенгроқ бўлади. Кўпчувчан грунтларнинг салбий таъсири лентасимон пойдевордаги енгил конструкцияли биноларда айниқса кучли намоён бўлади. Кўпчиш ва ундан кейин келадиган киришиш деворларда дарзликлар пайдо бўлишига олиб келади (1-расм).



1-расм. Зарафшон шаҳрининг чеккасида қурилган бинолар ва тўсувчи деворларда дарзликларнинг ҳосил бўлиши

Тадқиқот районининг кўпчувчан эоцен гиллари гранулометриқ таркиби бўйича асосан 2 турга бўлинади: юпқа дисперс гиллар – гилли фракция миқдори 50% дан ортиқ; йирик дисперс гиллар – гилли фракциялар миқдори 25 дан 50% гача ҳамда юқори ва қуйи горизонтлар ҳисобланади (2-расм).




2-расм. Шимолий Томдитов палеоген гилларининг гранулометриқ таҳлили натижалари: 1 – қуйи горизонтлар гиллари – дисперсли; 2 – юқори горизонтлар гиллари – йирик дисперсли

Гилли минералларни рентгенометриқ таҳлил методи билан тадқиқи дифрактограмма таҳлилининг кўрсатишича, ўрганилган намуналарнинг гилли фракцияси таркибида монтмориллонит (М), гидрослюда (Г), каолинит (К), монтмориллонит-гидрослюда қаторининг аралаш қатламли ҳосилалари (Г/М) учрайди. Гилли бўлмаган минераллардан гипс, кварц, дала шпати, кальцит мавжуд. Монтмориллонит миқдорий таркиби ҳисобининг кўрсатишича, 3.0 м чуқурликкача у 30–50% атрофида, баъзан – 60% ўзгаради, чуқурроқда эса – 60 дан 75% гача, камдан-кам ҳолларда – 90% гача ўзгаради.


Эоцен гилларидаги тузлар таркибини ва уларнинг чуқурлик ортиши билан ўзгаришини ўрганишда сувли сўрим (водная вытяжка) таҳлили амалга

оширилган. У бўйича тузларнинг эҳтимолий таркиби ва уларнинг миқдори ҳисобланган. CaSO_4 (0.59 дан 9.48 % гача), Na_2SO_4 (0.26 дан 2.86 % гача), MgSO_4 (0.64 дан 1.48 % гача) тузлари калций гидрокарбонат – $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ (0.13 дан 0.37 % гача) ва ош тузи – NaCl дан (0.15 дан 1.58 % гача) кўплигини кўришимиз мумкин.

Нурашнинг ҳар хил турларини қиёсий комплекс таҳлил қилиш, дастлабки бентонитли гилларнинг минералогик хусусиятлари ва муҳитнинг гидрогеокимёвий шароитлари билан бир қаторда элювиал маҳсулотларнинг шаклланишида урта омил муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди. Биринчи – бирламчи минералларнинг структуравий тартибланиш даражаси, иккинчи – ушбу хусусиятларнинг янги пайдо бўлган омиллар томонидан мерос қилиб олиниши, учинчи – турли чуқурлик ва майдон бўйлаб ривожланган нураш зоналарида гиперген минералларнинг қайта ҳосил бўлиш ва шаклланиш жараёнининг универсаллиги. Ушбу қоидаларни фақат комплекс тажриба-электрон-микроскопик ва структуравий-кристаллокимёвий ўрганишлар билангина кузатиб бориш мумкин.



3-расм. Шимолий Томдитов эоцен гилларининг кўпчувчанлик ва намлик; кўпчувчанлик ва скелет зичлиги; кўпчувчанлик ва гилли фракция; максимал молекуляр намлик сифими ва гилли фракция орасидаги корреляцион боғлиқликлар графиклари



4-расм. Шимолий Томдитов эоцен гилларининг бўйлама тўлқин тезлиги ва намлиги; бўйлама тўлқин тезлиги ва нам грунт зичлиги; электр қаршилиги ва бўйлама тўлқин тезлиги; электр қаршилиги ва нам грунт зичлиги; электр қаршилиги ва намлиги орасидаги корреляцион боғлиқликлар графиклари

Бентонитли гилларнинг муҳандислик-геологик ва сейсмик, электр хусусиятлари орасидаги корреляцион боғлиқликларни (3-расм) аниқлаш бизга эоцен гилларининг кўпчиш хусусиятларини прогноз қилиш ҳамда кўпчувчан бентонитли гиллар деформацион хусусиятларининг энг ишончли қийматларини олиш учун келтирилган формулаларни тавсия қилиш ҳуқуқини

беради (4-расм). Ўтказилган компрессион синовлар натижасига кўра кўпчувчан бентонитли гиллар учун компрессион деформация модуллари 0,1–0,3 МПа юклама босқичида 6 дан 38 МПа гача, 0,3–0,5 МПа юклама босқичида эса 11 дан 24 МПа гача ўзгарган. Олиб борилган тадқиқотлар, табиий палеоген кўпчувчан гиллари 0,1–0,3 МПа юклама босқичида 8 дан 45 МПа гача, 0,3–0,5 МПа юклама босқичида эса 9 дан 42 МПа гача бўлган компрессион деформация модуллари билан тавсифланишини кўрсатди. Структуравий мустаҳкамликнинг намоён бўлиши палеогеннинг кўплаб гил намуналари учун хос. Бу эса 0,1–0,3 МПа юклама босқичида деформация модуллари 0,3–0,5 МПа юклама босқичидагига нисбатан катта қийматларга эга эканлигидан яққол кўринади. Уларнинг зичланувчанлиги ўртачадан, структуравий мустаҳкамлик намоён бўладиган грунтлар учун, амалда сиқилмайдиганга қадар ўзгаради (19, 33, 1618, 132, 144-намуналар). $P_{стр}$ ўртача қиймати 0,3 МПа ни ташкил этади. Палеогеннинг айрим гил намуналари сиқилиш деформацияси ўрнига юкломанинг паст босқичларида кўпчиш қобилиятларини намоён қилди.

Тадқиқот участкасидаги эоцен гиллари учун компрессион деформация модуллари 9 дан 36 МПа гача, умумий деформация модуллари 4 дан 13 МПа гача ўзгариб туради. Муҳандислик-геологик лаборатория усуллари билан олинган деформацион хусусиятларнинг барча тадқиқ қилинаётган кўрсаткичлари умумий қонуниятларга бўйсунди: намлик даражаси ва консистенция кўрсаткичининг ортиши билан компрессион ва умумий деформация модули, бошланғич зичланиш модули, нисбий деформация модули камаяди, структуравий боғларнинг мустаҳкамлиги ва гилли грунтларнинг дисперслигини ортиши билан эса уларнинг қиймати ҳам ортади.

Диссертациянинг «**Кўпчувчан бентонитли гиллар хусусиятлари ўзгаришининг ўзига хослиги ва асослар грунтли массивининг силжишлари ва деформацияларини моделлаштириш**» деб номланган тўртинчи боби учта бўлимдан ташкил топган. Биринчи бўлим замонавий гипергенез зонасида палеоген гиллари муҳандислик-геологик ва сейсмик хусусиятларининг шаклланишини тавсифлашга бағишланган. Кўриб чиқилган зоналарни қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, дастлабки жинсларнинг минералогик хусусиятлари ва муҳитнинг гидрогеокимёвий шароитлари билан бир қаторда палеоген гилларининг муҳандислик-геологик ва сейсмик хусусиятларининг шаклланишида қуйидаги учта омил муҳим ўрин тутди: Биринчи – бирламчи минералларнинг структуравий тартибланиш даражаси. Иккинчи – ушбу хусусиятларнинг янги пайдо бўлган омиллар томонидан мерос қилиб олиниши. Учинчи – турли чуқурликдаги гилларда ривожланган гипергенез зоналарида гипоген минералларнинг қайта ҳосил бўлиш ва гиперген минералларнинг шаклланиш жараёнлари универсаллиги. Кейинги тадқиқотларда гилли қатламда зонал тузилишли гипергенез қонуниятларини ишончли тарзда аниқлаш учун юқорида шакллантирилган учта қўшимча қоидалардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Тўртинчи бобнинг иккинчи бўлимида эоцен гиллари тарқалиш майдонларининг муҳандислик-геологик районлаштириш баёни келтирилган.

Ажратилган майдонларнинг батафсил муҳандислик-геологик тавсифи Томдитов тоғларининг шимолида жойлашган худуднинг схематик муҳандислик-геологик районлаштириш харитасида акс этган. 0 дан 5 м гача чуқурликда ётадиган гиллар муҳандислик–геологик ва сейсмик хусусиятлари бўйича ундан чуқурроқда ётувчи гиллардан фарқ қилади. Шундай қилиб, районда ажратилган барча участкалар муҳандислик-геологик ва сейсмик хусусиятларининг комплекс кўрсаткичлари бўйича фарқланади. Эоцен гилларининг аниқлаштирилган асосий муҳандислик-геологик ва сейсмик хусусиятлари ва улар бўйича тузилган муҳандислик-сейсмогеологик районлаштириш схемаси лойиҳаолди ишланмаларида муҳандислик-геологик тадқиқотлар муддатини ва ҳажмини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

Тўртинчи бобнинг учинчи бўлими иншоотлар асосидаги грунтли массивнинг силжишлари ва деформацияларини моделлаштириш натижалари тавсифига бағишланган. Грунтли массивнинг силжишлари ва деформацияларини моделлаштириш масаласини ечишнинг мураккаблигини фундаментал сабаблари мавжуд бўлиб, улар табиий ва техноген грунтларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ, бунда кўпчувчан гиллар жуда мураккаб моддий тизимлар сирасига киради. Шу муносабат билан, мазкур диссертацияда илгари сурилаётган ва кўпчувчан гилли массив деформациясининг классик масаласини фильтрация коэффицентининг ҳисобланадиган нисбатларига кейинги тузатишлар киритиш билан кетма-кет кўриб чиқишдан иборат концептуал ёндашув истиқболли ҳисобланади. Бундай ёндашув кўпчувчан гилларнинг тажрибалар билан аниқланадиган алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради.

Марказий Қизилқум иқлими учун тавсифли бўлган ёгинлар мавсумидан қуруқ даврга кескин ўтиш омили кўпчувчан гилларнинг деформацион табиатига бир қатор жиддий жиҳатларни киритади: грунт массивининг 1,5 м гача бўлган ер юзасига яқин юпқа қатламида атмосферанинг иссиқлик-намлик таъсирида гилларнинг ўта фаол деформацион табиати вужудга келади ва чуқурлик бўйлаб грунтларга хос бўлган, Дарси қонунидан оғишган деформацион эффектлар кузатилади.

$$S_t = hm_v(p_1 - p_2) \left(1 - \frac{8}{\pi^2} e^{-\frac{\pi^2 K_\phi}{4h^2 m_v \rho_w} t} \right)$$

киришиш ҳолатида эса:

$$S_t = hm_v(p_1 + p_2) \left(1 - \frac{8}{\pi^2} e^{-\frac{\pi^2 K_\phi}{4h^2 m_v \rho_w} t} \right)$$

бунда, h – чуқурлик, m_v – нисбий зичланиш коэффиценти, p_1 – гилнинг кўпчиши ва киришиши сабабли юзага келувчи босим (иншоотдан тушувчи босим ҳисобга олинмаган ҳолда), p_2 – иншоотдан тушувчи босим, t – вақт моменти, ρ_w – сувнинг солиштирма оғирлиги, K_ϕ – фильтрация коэффиценти.


Ушбу ифодалардан фойдаланиб, иншоотдан тушувчи юкламани ҳисобга олган ҳолда, кўпчиш ва киришиш фазасида гилларнинг силжиши ва деформацияланишининг асосий параметрларини аниқлаш мумкин.

Тадқиқотларимизда Марказий Қизилқумнинг ўзгарувчан об-ҳаво-иқлим шароитларида кўпчувчан гиллар табиатини ўрганиш учун иншоотлар асосининг силжишлари ва деформацияларини моделлаштириш натижавий бўлим ҳисобланади. Кўпчувчан гилларнинг турли ётиш шароитларига эга иккита моделини кўриб чиқамиз.

Бир қатламли модель қалинлиги 3,0 м дан ортиқ бўлган, атмосфера жараёнлари таъсирдан тўсилган ва Дарси қонунидан оғишганлиги сабабли кам деформацияланган кўпчувчан гиллардан ташкил топган.

Икки қатламли модель ер юзасига яқин жойлашган, қалинлиги 1,5 м гача бўлган, атмосфера жараёнлари таъсири остидаги ва Дарси қонунига бўйсунадиган юзаки қатламдан ҳамда унинг остидаги Дарси қонунидан оғишганлиги сабабли кам деформацияланган тўшама қатламдан иборат.

Баён қилинган моделлар Шимолий Томдитов кўпчувчан гилларининг муҳандислик-геологик тавсифлари бўйича тажриба маълумотлари асосида тузилган (5-расм).



5-расм. Шимолий Томдитов кўпчувчан бентонитли гилларининг турли ётиш шароитларига эга моделлари: 1 – кўпчувчан гиллар; 2 – қатламлар чегараси; 3 – тўсувчи экран; 4 – атмосфера ёгинларининг сингиши йўналиши; 5 – атмосфера ёгинларининг бугланиши йўналиши; 6 – тўсувчи экрандан қайтувчи омиллар йўналиши; 7 – юқори горизонтнинг ҳар хил йўналишдаги дарзликлари; 8 – қуйи горизонтнинг бир йўналишда йўналган дарзлиги.

Бир қатламли моделда босим компонентига нисбатан η_{max} параметрининг қандай ўзгаришини кўриб чиқамиз. Қабул қилинган параметрлар:

иншоотдан тушувчи юклама $p_2=0,5$ МПа; $m_v=0,001$ см²/Н. Грунтни атмосфера ва бошқа жараёнлар таъсирига чидамли ҳамда кучсиз деформацияланувчи деб қабул қилиб, p_1 параметр қиймати p_2 параметрнинг улушларида олинади. Бунда масса кўчишининг сезиларли секинлашиши кузатилади (β_t параметр қиймати юқори). 1-жадвалда бир қатламли модель 3Зучун иншоотдан турли юкламалар тушганда асоснинг грунт – тоғ жинси массиви тўлиқ деформацияланиши қийматлари келтирилган. Жадвалдан кўринадики, кўпчиш ва чўкиш фазаларида тўсилган асоснинг силжиш диапазони 7,3 дан 22,7 см гачани ташкил қилади.

1-жадвал

Бир қатламли модель учун иншоотдан турли юкламалар тушганда кўпчувчан гилларнинг асосда тўлиқ деформацияланиши натижалари

Параметрлар	Турли юкламаларда η_{max} параметрининг қийматлари, см					
Киришиш босқичи $P = p_1 + p_2$						
p_2 дан улушлардаги p_1	0	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5
η_{max} , см	15	16,4	18,2	19,7	21,3	22,7
Кўпчиш босқичи $P = p_1 - p_2$						
p_2 дан улушлардаги p_1	0	1,0	0,2	0,3	0,4	0,5
η_{max} , см	15	13,6	11,8	10,3	8,7	7,3

Икки қатламли модель қалинлиги 1,5 м гача бўлган ер юзасига яқин қатлам иқлим жараёнлари таъсири остида эканлигини ва Дарси қонунига бўйсунганини ҳамда пастки қатлам кучсиз деформацияланишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш схемасини акс эттиради. Бу ҳолатда, бутун асоснинг тўлиқ чўкиши қатламлар йиғиндиси усули билан аниқланиши мумкин:

$$S = \sum_i^n h_i m_{vi} P_{zi}$$

бунда, h_i – i -қатламнинг қалинлиги, m_{vi} – i -қатламнинг нисбий зичланиш коэффициентини, P_{zi} – i -қатламдаги табиий босим.


Шундай қилиб, икки қатламли модель учун параметрлар m_v кўрсаткичи бўйича фарқланади, яъни иншоотдан тушувчи юклама $p_2=0,5$ МПа бўлганда, юқори қатлам учун $m_v=0,002$ см²/Н, қуйи қатлам учун эса $m_v=0,001$ см²/Н бўлади. (2-жадвал).

2-жадвал

Икки қатламли модель учун иншоотдан турли юкламалар тушганда кўпчувчан гилларнинг асосда тўлиқ деформацияланиши натижалари

Параметрлар	Турли юкламаларда η_{max} параметрининг қийматлари, см									
Киришиш босқичи $P = p_1 + p_2$										
p_2 дан улушлардаги p_1	0	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5	0,75	1,0	1,25	1,5
η_{max} , см	22,6	24,7	27	29,1	31,6	33,95	39,3	45,5	50,5	56,5
Кўпчиш босқичи $P = p_1 - p_2$										
p_2 дан улушлардаги p_1	0	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5	0,75	1,0	1,25	1,5
η_{max} , см	22,6	20,7	18,3	15,5	13,4	11,45	5,16	0	-7	-11,5

Жадвал натижаларидан фойдаланиб, бир қатламли ва икки қатламли моделлар учун иншоотдан турли юкламалар тушганда асосдаги кўпчувчан гилларнинг тўлиқ деформациялари графиклари тузилган (6-расм).



6-расм. Бир қатламли (а) ва икки қатламли (б) моделлар учун иншоотдан турли юкламалар тушганда асос массивидаги кўпчувчан гилларнинг деформациялари графиклари.

Шундай қилиб, иншоотдан тушувчи юкламалар турлича бўлганда, табиий-иқлим шароитлари ҳисобига икки қатламли моделнинг деформациялар диапазони бир қатламли моделга нисбатан анча юқори бўлади. Икки қатламли моделда p_1/p_2 нинг етарлича юқори қийматларида грунт кўпчиш жараёнларининг фаоллашуви натижасида зичланишни кўтарилиш деформациясига ўтиши билан боғлиқ деформация ишорасининг ўзгариши кузатилади.

Гилли массив юзасининг табиий-иқлим шароитларининг таъсиридан тўсилиши чўкиш деформациясини пасайишига олиб келади ва гилли асосга барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатади.

Иншоотдан тушувчи доимий юкламалар ва кўпчиш-киришишнинг ўзгарувчан юкламалари комбинацияси, асосан чўкинди характерли, ҳар йили такрорланадиган таъсирлар тизимини ҳосил қилади ҳамда улар қийматининг чегаравий деформациялар қийматидан ошиб кетиши бино ва иншоотларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

Диссертация ишининг асосий натижалари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Бино ва иншоотлар пойдеворларининг асоси бўлмиш кўпчувчан бентонитли гилларнинг моддий таркиби, деформацион ва муҳандислик-геологик хусусиятларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган ва умумлаштирилган.

2. Шимолий Томдитовнинг муҳандислик-геологик шароитларини белгиловчи асосий омиллар мажмуаси аниқланган: арид иқлим, ёғингарчиликнинг кам миқдори, геологик тузилиши, чўкинди формациялар генезиси ва таркиби, энг янги тектоник ҳаракатлар, рельефнинг морфологик хусусиятлари, гидрогеологик шароитлар, шунингдек ҳозирги замон геологик ва муҳандислик-геологик жараёнлар ва ҳодисалар. Уларнинг барчаси

биргаликда бентонитли гилларнинг муҳандислик-геологик хусусиятларини ва уларнинг кейинги ўзгаришларини белгилаб бериши қайд этилган.

3. Табиий ва ўзгартирилган бентонитли гил намуналарининг таркиби ва деформацион хоссаларининг корреляцион боғлиқликлари аниқланган ва улар асосида муҳандислик-геологик параметрларни соддалаштирилган баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

4. Қайта такрорланувчи гипергеник жараёнларнинг кўпчувчан бентонитли гиллар моддий таркибига ва деформацион хусусиятларига таъсири экспериментал маълумотлар билан асосланган, кесимда муҳандислик-геологик хусусиятлари турлича бўлган учта (кучли, ўртача ва кам ўзгарган) зона мавжудлиги исботланган.

5. Шимолий Томдитов кўпчувчан гилларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бино ва иншоотлар пойдеворлари грунтли асосларининг силжиши ва деформациялари модели ишлаб чиқилган ва бентонитли гилли асослар юзасини табиий-иқлимий омиллар таъсиридан ҳимояланиши (тўсилиши) муҳимлиги асосланган.

6. Шимолий Томдитов ҳудудининг муҳандислик-геологик районлаштириш харитаси тузилган, бунда муҳандислик-геологик хусусиятлари бўйича фарқланувчи, шунингдек бентонитли гиллар мавжуд бўлмаган ва турли чуқурликларда кузатилган участкалар ажратилган.

Олинган натижалар тегишли қурилиш-лойиҳалаш ташкилотларига жорий қилинган ва Марказий Қизилқум шаҳарларини сейсмик микрорайонлаштириш учун муҳандислик-геологик асос бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 24/30.12.2019. GM.96.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И
ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА
ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

ОЧИЛОВ ГОЛИБЖОН ЭРНАЗАР УГЛИ

**НАБУХАЮЩИЕ СВОЙСТВА ЭОЦЕНОВЫХ ГЛИН СЕВЕРНОГО
ТАМДЫТАУ И МОДЕЛИРОВАНИЕ ИХ ДЕФОРМАЦИЙ**

04.00.04 – Гидрогеология и инженерная геология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по
геолого-минералогическим наукам**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и технологий Республики Узбекистан под номером B2022.4.PhD/GM164.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.hydroengeo.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Закиров Мираббас Мирсаатович**
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдуллаев Ботиржон Дадажонович**
доктор геолого-минералогических наук, старший научный сотрудник

Бимурзаев Гани Амиргалиевич
доктор философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам

Ведущая организация: **ГУ «Узбекгидрогеология»**

Защита диссертации состоится «15» февраля 2024 г. в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 24/30.12.2019. GM.96.01 по присуждению ученых степеней при Институте гидрогеологии и инженерной геологии (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, дом 64, Тел.: (+99871) 209-10-84, факс: (+99871) 209-10-84, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Института гидрогеологии и инженерной геологии (регистрационный номер № 57). Адрес: 100041, г.Ташкент, ул. Олимлар, дом 64, Тел.: (+99871) 209-10-84, факс: (+99871) 209-10-84, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан «29» января 2024 года.
(реестр Протокола рассылки № 6 от «29» января 2024года).

А.А. Мавлонов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор геолого-минералогических наук,
старший научный сотрудник

М.Р. Жураев
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по
геолого-минералогическим наукам,
старший научный сотрудник

И.Х. Хабибуллаев
Председатель Научного семинара
при Научном совете
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике к одним из важнейших показателей свойств набухающих грунтов, встречающихся как основание при проектируемых зданиях и различных видов инженерных сооружений, относятся их деформационные свойства. Традиционные методы испытаний очень длительны и трудоёмки, поэтому надежное и быстрое определение показателей как состава, так и деформационных свойств набухающих грунтов служит важной задачей исследований. При этом перспективной представляется возможность применения косвенных методов – моделирование деформаций. Их преимущества заключаются в простоте эксперимента и малых временных затратах. В связи с этим проведение исследований состава и деформационных свойств набухающих глин инженерно-геологическими и геофизическими методами и совместный анализ их результатов являются актуальным направлением науки и практики.

В мировом масштабе проводятся ряд научных исследований, которые связаны с инженерно-геологическим обоснованием особенностей проектирования фундаментов зданий и сооружений на набухающих глинах. В исследованиях особое внимание уделяется комплексной оценке проблемы обеспечения устойчивости зданий и сооружений промышленного и гражданского назначения, решению инженерно-геологических задач и созданию методологии моделирования деформаций набухающих грунтов, разработки новых требований к основаниям зданий и сооружений, и особенно в случаях их расположения на набухающих глинах, характеризующихся высокой чувствительностью к погодно-климатическим факторам.

В республике проводятся научные и практические работы и достигнуты определенные научные результаты в изучении набухания как сложного физико-химического процесса, протекающего под действием адсорбционных, капиллярных и осмотических явлений. Получены результаты исследований о литологических и сейсмогеологических особенностях бентонитовых глин Узбекистана. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы² поставлены важные задачи по ускоренному развитию национальной экономики и обеспечению высоких темпов роста. Поэтому наиболее важным является проведение научных исследований по повышению энергоэффективности и использованию ресурсов в отраслях промышленности, изучению особенностей изменения свойств набухающих бентонитовых глин для проектирования зданий и сооружений, составлению схематических карт инженерно-геологического районирования территорий и комплексной оценке проблемы обеспечения устойчивости зданий и сооружений промышленного и гражданского назначения.

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 г. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 23 июля 2019 г. № ПП-4401 «О мерах по дальнейшему совершенствованию геологического изучения недр и реализации Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на 2020–2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VIII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

